

## БАЁНИ ХОЛ

«Самарканд» газити сармоясиз, факат ваъда ва умнд илан чикарилиб эди. Умидлар тасаввурдан феълга келмади. Зарар ва окчасизлик сабабли чору ночор беш он давом этиб, 1913 йил 13 сентябр 44 адади-ла вақтинча ётиб эди. Сўнгра Хўканддан 500 сўм иона таклиф килинди. Аммо бу 500 сўм ила «Самарканд» жаридасининг адад-давоми маълумлиги учун ионани қабул килолмай, ширкат таъсис этилиб, жаридани давом этдирмок учун идора тарафидан миллатга 17 сентябр оий 45-адад «Самарканд» ила мурожаат килиниб, бир ой мухлат кўюлуб эди. Аммо маатаассуф, бу бир ой муддатда (17 ўктабргача) «Самарканд»ни чикаратургон ширкат пайдо бўлмади.

Дигар тарафдан, «Самарканд» муштарийларининг баъзилари ва бошка туркистонли хамватанларимиз ташвиқномалар ила «Самарканд»ни чикармокни таклиф килдилар. Инчунин, Русиядаги матбуоти исломия «Самарканд» таътилини(нг) таассуфлар ила маррат баъд охири ёзиб, яна чиқишини таманнода бўлинди. Алалхусус, Русия мусулмонлари жароидининг аноси ва пири мухтарами ўлан «Таржимон» ва «Вакт» ва бошқалари янадан чиқишига дуочи бўлуб ва «Самарканд» жаридасининг маслакига, мундарижотига хусни занларини изхор этдиларки, «Самарканд» мухаррири масъули барча хамватанларига ва Кафкоз, Крим хам Тотористон матбуоти исломиясига бул бобда ташаккуроти калбиясини ожизона тақдим ва миннатдорлигини изхор ва ояндага маънан ва моддатан иона ва хидоят этмокларини таманно этар. Бир ваъжи боло таклиф ва ташвиқлар, ваъда ва дуолар бизга яна кувват ва умид бериб, ишга савк этди. Аввалан, «Самарканд»ни чикармокга касд этилди. Аммо охири яна аввали каби сармоясиз эди. Ва зарарини тахаммулига кувватимиз етмаслиги зохир бўлди. Дигар тарафдан, асаб(ий), яъни сингир хасталиги ва хам кўз касалига гирифторлигимиз учун хафтада икки ё уч дафъа газитни тахрир хам идораси бизга мумкин эмас эди. Тахрири учун вазифа ила ражо ва талаб килинган дароятли мухтарам мухаррир жанобларида баёни муаззот этдилар.

Хулоса: акча кахати, рижол кахати бизни мушкул холда кўйди, Ва охири, хафталик «Ойна» мажалласини чикариб турмокни таржих килинди. Газитни идорасига кофий муштарий мавжуд бўлгунча ва ё окча топулгунча «Ойна» давом этар. «Ойна» зарар этса-да, зарари нафсимизга оид ва муштарийларга асло зарар юкланмайдур.

Мажалла бахосини-да арзон килинди.

«Ойна»га муктадир мухаррир ва хар тарафдан мухбирлар даъват килинди. Тили аввалгидек туркий ва форсий назм ва наср бўлуб, мундарижоти илмий, адабий, сиёсий, фаний ва тарихий маколалардан, вукуот ва ахбори хафтадан, киноя ва мудохакадан иборат ва тасвирлик бўлур, Тадрижи мукаммалият, нафосат ва интизомига диккат килинур. Баъзан русча маколаларида дарж килинур. Арбоби калам ва хабардан рижо этармизким, бизга калам ва донишлари ила танбехотда, ионатда бўлинсалар, мажалла бизники эмас, миллатникидур. Сўйланатурган сўзлар шахсий эмас, умумийдур, гурурий эмас, динийдур.

Кориларга салом ва эхтиром.

*«Ойна» журнали, 1913 йил, 2-сон, 2—4-бетлар.*